



ANALYSIS OF THE LEGAL FOUNDATIONS FOR APPEALS BY INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES

G.K. Abdullayeva

Senior Lecturer-Methodologist of the Educational and
Methodological Department at the Institute for Advanced Training of
the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18000124>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2025

Accepted: 19th December 2025

Online: 20th December 2025

KEYWORDS

Individual, legal entity, appeal, right to appeal, state bodies, official, legal foundations, legislation, procedure for reviewing appeals, rights and obligations.

ABSTRACT

This article comprehensively analyzes the right of individuals and legal entities to submit appeals, its constitutional and legal essence, and the national legislative framework aimed at ensuring this right. Specifically, it highlights the legal aspects of the procedure for receiving, reviewing, and making decisions on appeals based on the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Law "On Appeals of Individuals and Legal Entities," and relevant regulatory legal acts. The article also examines the rights and obligations of state bodies and officials in handling appeals, as well as mechanisms for protecting the legitimate interests of citizens and legal entities. The paper addresses problems encountered in practice, their causes, and puts forward scientific and practical proposals aimed at improving the system of working with appeals.

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Г.К. Абдуллаева

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ўқув-услубий бўлим
катта ўқитувчи методисти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18000124>

ARTICLE INFO

Received: 14th December 2025

Accepted: 19th December 2025

Online: 20th December 2025

ABSTRACT

Мазкур мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи, унинг конституциявий-ҳуқуқий моҳияти ҳамда ушбу ҳуқуқни таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик асослари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ҳамда соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мурожаатларни қабул



KEYWORDS

Жисмоний шахс, юридик шахс, мурожаат, мурожаат қилиш ҳуқуқи, давлат органлари, мансабдор шахс, ҳуқуқий асослар, қонунчилик, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

қилиш, кўриб чиқиш ва улар бўйича қарор қабул қилиш тартибининг ҳуқуқий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг мурожаатлар билан ишлашдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмлари таҳлил этилган. Мақолада амалиётда учраётган муаммолар, уларнинг сабаблари ва мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Шахснинг муҳим ва ажралмас конституциявий ҳуқуқларидан бири мурожаат қилиш ҳуқуқи саналади. Таъкидлаш ўринлики, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш борасида туб ислохотлар амалга оширилди. Бу борадаги қонун ҳужжатларининг йирик тизими яратилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишга доир ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосий ҳужжат ҳисобланади. Хусусан, Конституциянинг 35-моддасида “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”¹, деб белгиланади. Шу сабабли барча мурожаатларнинг сўзсиз кўриб чиқилиши ҳамда қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш барча тоифадаги давлат хизматчиларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни. Таъкидлаш ўринлики, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи қонун етти маротаба (1994, 2002, 2014, 2017, 2020, 2021, 2024 йилларда) қабул қилинди.

2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солган асосий норматив ҳужжатлардан саналади. Унда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқи, мурожаатнинг шакллари, турлари, мурожаатларга қўйиладиган талаблар, уни кўриб чиқиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/3336169>.



тартиби ва муддатлари, мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар ўз ифодасини топган².

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда Президент ҳужжатлари муҳим ўрин тутди. Хусусан, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли фармони**³. Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди.

Фармонда ушбу тузилмаларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш сифат жиҳатдан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ҳукуматга, давлат бошқарув органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва ҳўжалик бошқаруви органларига мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

² Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги (янги таҳрирдаги) “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/3336169>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/3089924>.



жисмоний шахсларнинг ва юридик шахсларнинг вакилларининг қабуллари давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Мазкур фармон билан барча даражадаги Халқ қабулхоналарининг бошқарув ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ходимлари ҳисобланади. Бу эса қабулхона ходимларига ўзига хос дахлсизлик ҳуқуқини ҳамда уларни эркин ва мустақил фаолият олиб боришига имкон беради. Шуниси алоҳида эътиборлики, мазкур фармон билан давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик талаблари ва нормаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жавобгарлик хусусида қатъий огоҳлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сонли фармони⁴. Мазкур фармон билан мамлакатда давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб берилди. Фармонда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб берилди. Фармонда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантирадиган сифат жиҳатидан янги даражага ўтишига тўсқинлик қилаётган айрим тизимли муаммоларга тўхтаб ўтилган.

Юқорида қайд этилган омилларни бартараф этиш, «Ўзбекистон-2030» стратегиясида қуйидаги асосий ғоялар акс эттирилган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш, шунингдек, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишини таъминлаш мақсадида:

Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилиб, агенликнинг зиммасига асосий вазифалар юклатилди.

2018 йил 1 январдан Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/3454462>.



юритувчи Давлат хизматлари марказларига айлантирилиб, уларнинг зиммасига асосий вазифалар юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январь кундаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5633-сонли фармони⁵. Ушбу фармонда бир қатор аниқланган муаммолар жойларда ечимини кутаётган масалалар кўплиги, муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва ҳал этишда Халқ қабулхоналари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ягона механизми мавжуд эмаслиги, ишлаб чиқиладиган ижтимоий-иқтисодий дастур лойҳаларида келиб тушаётган мурожаатлар ҳамда жойларда аниқланган бошқа муаммолар акс эттирилмаётганлиги, Халқ қабулхоналари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тизими, уларнинг етарли ваколатларга эга эмаслиги оқибатида, жойлардаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга, зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ иш сифати ва самарадорлигига салбий таъсир этаётганлигидан далолат эканлиги акс эттирилган.

Фармонда юқоридаги камчиликларни инобатга олган ҳолда Халқ қабулхоналари ходимларига қуйидаги қўшимча вазифалар, ҳуқуқлар, меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ҳамда штат бирликлари қайтадан кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

“Халқ қабул хоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизим билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни, давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашни назарда тутувчи янги тизим жорий этилди;

Халқ қабулхоналарига бир қатор қўшимча вазифалар юклатилиб, янги ҳуқуқлар ўрнатилди;

Халқ қабулхоналари ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича янги тартиб ўрнатилиб, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари янгиланиб тасдиқланди;

Халқ қабулхоналари бошқарув ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 25 октябрдаги ПФ-168-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тўғрисидаги низомнинг 26-бандида назарда тутилган қоидалар татбиқ этилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчисига янги вазифалар юклатилди;

Халқ қабулхоналари доимий равишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойҳалар

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январь кундаги “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5633-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/4166958>.



бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда доимий равишда тизимни ривожлантириш” тўғрисида ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль кундаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4197-сонли қарори⁶. Қарорда “Аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилиш, шунингдек мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими амал қилишини таъминлаш” мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари тўғрисидаги низомлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги “Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимликларининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун талаблари сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида”ги 366-сонли қарори⁷. Мазкур қарор билан вазирлик ва идоралар билан (шу жумладан, ИИВ ва унинг қуйи тузилма идоралари) зиммасига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш юзасидан қўшимча вазифалар юклатилган ва ижро тартиби белгиланган.

Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари аҳоли ва тадбиркорлар учун кунлик соат 8:00дан 11:00гача шахсий қабулларни ташкил қилиш чораларини кўриш ва бунда:

жойларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ишлашни тубдан қайта кўриб чиқиш, уларнинг муаммолари ва эътирозларини жойида ҳал этиш, аҳоли билан ишлаш маданиятини ошириш;

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февраль кундаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4197-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/4208064>.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги “Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимликларининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун талаблари сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида”ги 366-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/3058254>.



аҳоли ва тадбиркорлар томонидан мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонасигача олиб чиқмаслик мақсадида ўзларининг веб-сайтлари ва ишонч телефонлари орқали мурожаат қилиш тизимини тубдан яхшилаш;

фуқаролар томонидан давлат хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида мурожаатлар статистикасининг таҳлили асосида тегишли давлат хизматларини интерактив кўринишга ўтказиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига киритишни таъминлаш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сонли қарори⁸. Ушбу қарор билан “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низом” тасдиқланган.

Намунавий низомда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари, мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, давлат органларида, ташкилотларида мурожаатлар билан ишлашни ташкиллаштириш, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари, мурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари хамда уларни видеоконференцалоқа воситасида қабул қилишни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хамда мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мурожаатларнинг кўриб чиқирилишини мониторинг ва назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш масалалари қайд этилган.

Қонун ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши бу борадаги ҳуқуқларнинг кафолатланишига хизмат қилади. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасида**⁹ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун

⁸Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сонли қарори - <https://lex.uz/docs/3730228>.

⁹Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – <https://lex.uz/docs/97664>.



хужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланган.

Жиноят кодексининг 144-моддасида эса жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган¹⁰. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки мурожаат муносабати билан маълум бўлиб қолган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, худди шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини унификациялаш лозим. Нега деганда бу борада кўплаб қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши натижасида уларни бир хил қўллашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Эҳтимол, келгусида бу борада алоҳида кодекс қабул қилиш мақсадга мувофиқдир;

иккинчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари турли соҳага оид қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши сабабли бу борадаги назарий қарашлар турли ҳуқуқ соҳасига оид мутахассис ва олимлар томонидан тадқиқ этилади. Бу эса жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид ягона назарий концептуал қоидалар шаклланишига имкон берадиган. Шу сабабли жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини алоҳида комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида тадқиқ этиш зарур.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси – <https://lex.uz/docs/111453>.